

12-1-2021

## INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY BASED ON COMMERCIALIZATION OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENTS

Sh. Otajonov DSc

*Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan*

Kh. Daliev

*Tashkent State University of Economics*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Otajonov, Sh. DSc and Daliev, Kh. (2021) "INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY BASED ON COMMERCIALIZATION OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENTS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss6/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**И.ф.д. Ш.И.Отажонов**

*Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги,*

**Х.Х.Далиев**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

## **ИЛМИЙ-ТЕХНИК ИШЛАНМАЛАРНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш, шу асосда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг тегишли соҳа ва тармоқларига жорий этиш кўламини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш ва тижоратлаштиришнинг методологик масалалари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** инновация, тижоратлаштириш, инфраструктура, интеграция.

**DSc Sh.I.Otajonov**

*Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan*

**Kh.Daliev**

*Tashkent State University of Economics*

## **INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY BASED ON COMMERCIALIZATION OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENTS**

**Abstract:** This article contains scientifically based proposals and recommendations on the formation of the infrastructure of innovation activities, on the basis of which to increase the scale of introduction of scientific developments in relevant sectors and industries of the economy. Methodological issues of strengthening the integration and commercialization of science, education and production are covered.

**Keywords:** innovation, commercialization, infrastructure, integration.

### **Кириш**

Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш – иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлай-диган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [1].

Шу жиҳатдан, янги ишланмаларни тижоратлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда инновацион кластер концепциясига асосланган ҳолда

иқтисодий рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Инновацион иқтисодий шакллантириш, илм-фан соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва натижадорликни ошириш Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда истеъмолчилар талабларининг ўзгаришига мослашувчанлик қобилиятини мустаҳкамлаш учун хўжалик юритишнинг жаҳон амалиётида рақобат устунликларининг замонавий манбаи сифатида намоён бўладиган инновацион бошқарувни ташкил этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу каби ўзгаришлар давомида бошқарув тузилмалари эгиловчанликка эга бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат даражаси юксалади, ишлаб чиқариш қувватларидан кўп мақсадларда фойдаланиш имконияти юзага келади, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш жараёнлари жадаллашади ва маҳсулот ҳаётийлик даврининг мазкур жараёнларга сарфланадиган ҳаражатлари қисқаради, ходимларнинг инновацион фаоллиги юқори даражада бўлишини таъминлайдиган янги рағбатлантириш тизимлари ишлай бошлайди.

### **Адабиётлар шарҳи**

Жаҳонда инновацион менежментни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: инновация фаолиятида юзага келадиган рискларни барта-раф этиш механизмлари асосланган (Improving system assessment and risk management in the field of innovation activity - Oxford University); инновацион компаниялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимида иқтисодий кўшилган қиймат (EVA) бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (University of Leeds, Буюк Британия); йирик инновацион тузилмалар молиявий менежмент тизимида GAP таҳлил концепцияси тавсия этилган (LudwigMaximilians-Universität München, Германия); инвестицияларни инновацион фаолият таркибига таъсирининг оптимал модели ишлаб чиқилган (University of Vaseda, Япония).

Ҳозирги кунда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг энг муҳим ташкилий-иқтисодий механизмларидан бири техник жиҳатдан тадбиқ этиш тузилмалари ҳисобланади: технополислар, илмий парклар, технопарклар ва х.к. Улар кўпинча илмий-тадқиқот муассасалари ва университетлар негизида ёки саноат ҳудудларини қайта ислоҳ қилиш йўли билан ташкил этилади. Давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан ушбу ҳудудларни ривожлантириш учун кўмак бериш ишланмаларга бўлган буюртмалар, ишлаб чиқариш ва офис хоналарини имтиёзли ва бепул ижарага бериш, лаборатория ускуналарини тақдим этиш, кредитларни олишга кўмаклашиш шаклида амалга оширилади. Технопарклар ҳудудида янги турдаги синов маҳсулотлари чиқарилаётган катта бўлмаган юқори технология соҳасидаги корхоналар ташкил этилмоқда.

## **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони ижроси доирасида мамлакатимизни инновацион ривожлантириш соҳасида, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда дипломатик ваколатхоналар билан биргаликда Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс (ГИИ) рейтингига киритиш, унинг индикаторлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, муаммоларни аниқлаш ва халқаро ташкилотларга тегишли маълумотларни тақдим этиш юзасидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг 2 сентябрида Бизнесни бошқариш халқаро институти (Франция), Корнелл университети (АҚШ) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан Ўзбекистон Республикаси 2020 йилги ГИИ рейтингига киритилди ва 2015 йилга нисбатан **29 поғонага** кўтарилиб, **131 та** мамлакат орасида **93-ўринни**, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса **4-ўринни** эгаллади.

Сўнгги 3 йилда илм-фан соҳаси **тубдан ислоҳ қилиниб, 18 та илмий ташкилот, 10 та илмий марказ ва 4 та технопарк** тузилди.

Олимларнинг ойлиги **3 баравар** оширилди, фан номзодларига **30 фоиз**, фан докторига **60 фоиз** устама тўлаш тартиби жорий этилди.

Илмий ташкилотларга замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун **32 миллион доллар**, бино-иншоотларни таъмирлаш ишларига **120 миллиард сўм** ажратилди.

Соҳани ривожлантириш ва унинг кадрлар салоҳиятини мустақамлашнинг қонуний асосини белгиловчи **3 та** муҳим ҳужжатлар – **“Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”** ва **“Таълим тўғрисида”** қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан “Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди.

Мамлакатда **илк бор инновацион ишлаб чиқаришга йўналтирадиган стартап экотизим шакллантирилди**. Илк бор стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилиб, умумий қиймати **31,5 млрд. сўмлик 34 та** стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Мамлакат иқтисодиётига илмий ҳажмдор янги технологияларни тезкор жорий қилиш учун **технологиялар трансфери амалиётга киритилди**. Хориждаги илғор технологиялар трансфери асосида умумий қиймати **28,7 млн. долл.** бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Илмий ишланмаларни тижоратлаштирилда манфаатдорликка асосланган **“Олим-банк-тадбиркор”** учлиги иштирокида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг янги тизими йўлга қўйилди. Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш доирасида умумий қиймати **149,5 млрд. сўм** бўлган лойиҳалар тайёрланди, ишлаб чиқарилган илмий сиғимкор маҳсулотлар ҳажми **62 млрд. сўмдан** ошди.

Жорий йилда **17 та илмий-тадқиқот муассасалари 15 та** вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига бириктирилиб, илмий-технологик таракқиётни қўллаб-қувватлаш учун **илмий ташкилотларга тармоқлар** томонидан жами **21,1 млрд. сўм** маблағ ажратилди.


“Фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцион тизимининг субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда минтақанинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ва корхоналарнинг стратегик шерикчилиги деб, бизнинг фикримизча, куйидаги ўзига хос унсурлардан таркиб топган уч томонлама шартнома муносабатлари тушунилади:

- тармоқ ва корхоналарнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли дастур (режа);
- олий ўқув юрти, илмий муассаса ва ташкилотлар ходимларининг биргаликда амалга оширилаётган талабаларни тайёрлаш бўйича мақсадли таркибий қисми;
- талабаларга технологик амалиётни ўташ учун яратилган базалар;
- қўшма илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш, олий ўқув юрти ва академик илмнинг салоҳиятини янги маҳсулот ва технологияни яратиш ва модернизациялаш, уларни тадбиқ этиш ва тижоратлаштириш учун жалб этиш;
- олий ўқув юртларида янги ўқув-илмий лабораторияларини, қўшма ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларини, трансфер ва инновацион жараён натижаларини тижоратлаштириш маркази, тажриба-конструкторлик бюросини ташкил этиш ҳамда мавжудларини қайта жиҳозлаш;
- олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш;
- олий ўқув юрти, илмий муассаса ва корхоналарнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи коллегиял эксперт-таҳлилий ва муҳокама қилиш органларининг мавжудлиги;
- корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, янгиликларни тарқатишга кўмаклашадиган консалтинг гуруҳлар, консалтинг фирмаларни ташкил этиш;
- самарали алоқа қилиш учун қўшма тузилмаларни, шу жумладан янги функционал юклама ва ташкилий-иқтисодий моделга эга бўлган базавий кафедраларни ташкил этиш.

1-расмда янги ишланмаларни тижоратлаштириш, инновацион маҳсулотларни яратиш ва уларнинг ҳаракатланиш модели келтирилган.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор инновацион таракқиётини таъминлаш нафақат тегишли миқдордаги илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг мавжуд бўлишини, балки уларнинг амалда қўлланилишини ҳам тақозо этади. Иқтисодиётнинг саноат ва илмий секторлари ўртасида алоқанинг сустиги, саноат корхоналарининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги, илм-фан ютуқларидан фойдаланишда рағбатлантириш омилларининг етишмаслиги, инновацион ғояларнинг бозор эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги иқтисодиётдаги инновацион жараёнларнинг ривожланиш самарадорлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда.



**1-расм. Илмий ишланмалар асосида инновацион маҳсулотларни яратиш ва уларни ҳаракатланиш схемаси<sup>1</sup>**

Кўриниб турибдики, давлат фан соҳасини молиялаштиришни амалга оширади. Барча ишланмалар кейинчалик ўз тадбиғини топа олмайди ва “Инновацион ҳудудлар” блокада кейинчалик инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин бўлган, яъни инновацияларни тижоратлаштириш босқичига ўтган устувор инновацион йўналишлар аниқланади. “Таълим” блоки кичик инновацион корхоналарни яратиш учун кадрлар ресурси ҳисобланган тизимни акс эттиради. “Инновацион корхоналар” блоки нафақат ташкил этилган кичик инновацион

<sup>1</sup>Муаллифлар ишланмаси



корхоналарни, балки инновацион ресурсларга, инновацион маҳсулот ва технологияларга ишлов беришда иштирок этиш учун қўшимча имкониятга эга бўлган фаолият кўрсатувчи корхоналарни ўз ичига олади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунё тажрибасида янгича тадбиркорликка асос бўлувчи “стартап бизнес” тушунчаси кенг ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда дастлабки қадамлар ташланди.

Хусусан, давлат бюджетидан **50 млрд. сўм** маблағ “стартап ғоялар”ни молиялаштириш ва Ўзбекистонда стартап экотизимини яратиш учун ажратилди. Бунинг натижасида бугунги кунга қадар илк бор стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилиб, умумий қиймати **33 млрд. сўмлик 35** та стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Бироқ, амалиётдаги натижалар шуни кўрсатмоқдаки, стартап лойиҳалар натижа бериши учун **муҳит ҳали тўлиқ шаклланмаган**, амалга оширилаётган стартап лойиҳаларнинг натижадорлиги **пастлигича қолмоқда**, маркетинг таҳлилларининг амалга оширмаганлиги сабабли стартап лойиҳаларнинг аксарият қисми **бозорда ўз ўрнини эгаллаб кета олмаяпти**. Муҳим жиҳатлардан яна бири, республикаимиз ҳудудларида янги ғояларга асосланган инновацион тадбиркорликка ўқитиш механизмлари мавжуд эмас ва бу тизимли йўлга қўйилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Халқаро молия ташкилотлари маблағларини жалб этган ҳолда етакчи халқаро акселерация компанияларини таклиф этиш, улар орқали авваломбор, тадбиркорларимиз ва ёшларимизни янгича инновацион бизнесга ўргатиш, стартап ғояларни амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, етакчи хорижий акселерация компанияси билан “Training for trainers” механизми асосида маҳаллий мутахассислар тайёрлаш ва уларни малакасини жаҳон стандартлари асосида ошириш **тизимини яратиш зарур**.

Олимларимиз томонидан яратилган ва **патентланган ихтиролар тижорат-лаштирилиши йилига 1 фоизига хам етмаган**, сабаби патент аксарият ҳолларда докторлик диссертацияларни ҳимоя қилишда, ҳисоботларда акс эттириш мақсадида олинмоқда.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги **илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий фаолияти натижалари учун**, давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада **масъулиятни намоён этмаяпти**.

Илмий ишланмаларни бевосита ишлаб чиқариш субъектларига жорий қилиниши ва тижоратлаштирилиши суст кечяпти. Корхоналарни инновацияларга қизиқиши суст ва энг асосийси, ишлаб чиқариш корхоналари ривожланган ҳориж мамлакатларининг маҳсулотлари, асбоб ускуналарига суяниб қолган. Лойиҳаларни молиялаштириш тўлиқ Давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириб келинмоқда.

Шунинг учун, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш учун **хусусий сектор ва ишлаб чиқариш тармоқлари билан тенг молиялаштириш**

тизимига ўтиш керак.

Шунингдек, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш ва халқаро тажрибани олиб кириш ишларига масъул бўладиган **Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Инновацион лойиҳалар иштирокчилари учун юқори технологияли корхоналарни молиялаштиришда уни амалга ошириш муваффақиятлиги муҳим ҳисобланади. Улар лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва турли хил салбий ва ижобий омилларига сезувчанлигига боғлиқ.

Бундан ташқари, оддий кредитдан (унда қарз олувчи, инвестор ёки лойиҳа ташкилотчиси барча хатарларни тўлиқ ўз зиммасига олади) фарқли улароқ юқори технологияли корхоналарни молиялаштиришда хатарлар лойиҳанинг барча иштирокчилари, яъни олий ўқув юртлари, илмий муассасалар хусусий инвесторлар ва давлат ўртасида тақсимланади.

Йирик инновацион лойиҳаларда иштирок этиш учун олий ўқув юрти фани ва тармоқдаги илмий институтлардан ташқари молиявий, лойиҳавий ва бошқа компанияларни бирлаштириш лозим.

Имкон қадар нафақат йирик миллий фирмаларни, балки хорижий иштирокчиларни жалб этиш лозим. Концессия шартномасига кўра юқори технологияли корхоналар таркибига муайян акция пакети улушига эга бўлган ҳамда нафақат юқори технологияли корхона-концессиончига молиявий ёрдам кўрсата оладиган, балки унинг фаолияти устидан самарали ички назоратни амалга оширадиган давлат ва ҳудудий маъмурият кириши лозим бўлади. Бироқ, юқори технологияли корхоналарининг юқори эгилувчанлик даражасини ва ижод қилишга эркинлигини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, олий ўқув юртлари томонидан амалдаги қонунчилик ва концессион шартномалар доирасида назорат функцияларини бажариши билан чекланиши мумкин.

Инновацион лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш жараёнида асосий инвесторлар давлат, хусусий корхоналар, жисмоний ва бошқа манфаатдор шахслар ҳисобланади. Улар мавжуд инновацияларнинг ахборот банкидан молиялаштиришга тайёр бўлган истиқболли инновацияларни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, инновацияларнинг ахборот банки академик, олий ўқув юртлари ва тармоқ илмий корхоналари томонидан тақдим этилган ҳамда нафақат битта минтақада, балки бутун давлат миқёсида шаклланаётган турли хил ишланмалардан таркиб топади.

Хусусий компания-инвестор, давлат (минтақа ҳукумати) ҳамда концессиончи ўзи (яъни юқори технологияли корхона) ҳамда лойиҳада бевосита банд ва манфаатдор шахслар амалга оширишда энг истиқболли ва устувор инновацияларни аниқлаш жараёнида тақдим этилаётган лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, уларни ривожлантириш стратегияларини, кафолат ва мажбуриятлар пакетини ишлаб



чиқиш бўйича мақсадга қаратилган махсус вақтинчалик тузилмани ташкил этади.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимида турли хил молиявий-кредит институтлари иштирокидан синергетик самара шундай иборатки, инвесторлар, концедентлар ва концессиончилар нафақат ўз иштирокини, балки бутун лойиҳа хатарини идентификация қилади, баҳолайди ва таҳлил қилади. Улар, шунингдек, лойиҳа киритилган маблағларнинг қайтиб келиш истиқболини аниқлаш ва лойиҳани амалга ошириш оқибатларини мажмуавий ҳолда ҳисобга олиш учун молиявий оқимлар динамикаси (ҳаражатлар сальдоси ва кутилаётган киримлар)ни режалаштиради ва прогноз қилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Илм-фан асосан фундаментал ва амалий тадқиқотлар билан шуғулланади, ушбу тадқиқот ва ишланмалар натижалари олий ўқув юртларига фундаментал тадқиқотларга амалий тавсиф бериш, тадқиқотлар маълумотларининг муҳимлигини ва уларни ишлаб чиқаришнинг аниқ шароитларда тадбиқ этиш имкониятларини баҳолаш учун топширилиши мумкин.

Агар инновациялар салоҳиятли лойиҳалар шаклига айланган бўлса, улар инновацияларнинг ахборот банкида қайд этилиши лозим. Юқорида таъкидланганидек, инвесторлар ўз манфаатларига амал қилиб, энг устувор ва муайян талабларга кўпроқ жавоб берадиган инновацияларни танлаб олиб ишга киришади. Сўнг инновацияларни яратувчилар ва инвесторлар у ёки бу инновацияларни ривожлантириш ёки тубдан янги тузилмани ташкил этиш мақсадида концессиончиларни қидириб топиш тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин. Ҳолбуки, минтақада инновацион кластерни шакллантирувчи лойиҳалар катта ҳажм ва кўп сарф ҳаражат талаб этаётган бўлса, салоҳиятли концессиончини танлаб олиш танловини ўтказишда даъвогар мос келиши лозим бўлган аниқ ва қатъий мезонларин ўрнатиш лозим. Бунда нафақат техник ва иқтисодий тафсилотлар, балки экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар эътиборга олинishi лозим. Танловни ўтказиш натижаси концессиончини танлаб олиш бўлиб, у билан инновацияларни тижоратлаштириш учун концессион келишув имзоланади.

Юқори технологияли корхона инновацион лойиҳани амалга ошириш чоғида илмга оид маҳсулотлар жаҳон бозорларида ўз ўрнини мустаҳкамлаш бўйича максимал даражада қулай шароитларни яратиши лозим, чунки айнан шу тарзда маҳсулотларни доимий ҳолда янгилаш заруратини англаш мумкин, акс ҳолда барча устунликларни тез орада йўқотиш эҳтимоли юқори. Шу боис, маҳсулотни узлуксиз янгилаб борадиган юқори тоифали олимлар, конструкторлар, лойиҳалаштирувчилар талаб этилади.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, ушбу давлаталар инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида оддий ягона солиқ имтиёзлари шаклида эмас, балки кенг миқёсдаги сиёсатни олиб боришга тайёр. Бунда солиқ имтиёзлари илмий-тадқиқот ташкилотлари учун эмас, балки ҳеч қандай

кулайликларга эга бўлмай янги маҳсулотни ўзлаштиришдан наф бўлмаган юқори технологияли корхоналар учун жуда зарур. Алоҳида солиқ имтиёзлари технопарклар доирасида инновацион лойиҳаларни амалга оширган ҳолда Фанлар академия хузуридаги институтлар ва олий ўқув юртлари билан шартнома асосида ишлайдиган инновацион корхоналарга тақдим этилиши лозим.

Йирик давлат корхоналарида мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг малакали етук мутахассислари ва илмий ходимларини жалб этган ҳолда тармоқ ва корхоналарда янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқиш, маҳсулотларнинг тажриба намуналарини яратиш, зарур тажриба синовларини ўтказиш ва сериялаб ишлаб чиқаришга тайёрлашга **ихтисослашган тармоқ тадқиқот марказларини** ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.
2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining yillik statistik to‘plamlari. –Toshkent, 2020 y.
3. Отажонов Ш.И. Управленческие инновации на малых предприятиях. // Иқтисодийёт ва таълим. –Тошкент, 2010. –№ 5. –Б. 32–36. /Otajonov Sh.I. Upravlencheskiye innovatsii na malix predpriyatiyah. // Iqtisodiyot va ta’lim. –Toshkent, 2010. –№ 5. –В. 32–36.
4. Otajonov Sh.I., Rahmonov H.O. Noviy put privlecheniya inostrannix investitsiy. // Federatsiya. –Moskva. 2010. –№ 6. –S. 51–54. / Отажонов Ш.И., Раҳмонов Х.О. Новый путь привлечения иностранных инвестиций. // Федерация. –Москва. 2010. –№ 6. –С. 51–54.
5. Druker P. Effektivnoye upravleniye: ekonomicheskkiye zadachi i optimalnie resheniya/ Per. angl. M.Kotelnikovoy. -M.: 2008 g. –S.288. / Друкер П. Эффективное управление: экономические задачи и оптимальные решения/ Пер. англ. М.Котельниковой. -М.: 2008 г. –С.288.
6. Zaynutdinov Sh. Boshqarish samaradorligini oshirish yo‘llari // Iqtisodiyot va ta’lim. –T.: 2000. № 1. –В.48-49.